ЎЗБЕКИСТОНДА КОЛЕКТИВЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ СИЁСИЙ ҚАТАҒОНЛАР ТАРИХШУНОСЛИГИ

Б.М.РАСУЛОВ

В статье представлен обзор историографии политических репрессий в процессе коллективизации в Узбекистане, осуществленный отечественными и зарубежными специалистами в годы независимости.

In this article given the survey historiography the political repression in the period of collectivization in Uzbekistan, executed native and foreign specialists in independence years.

XX аср инсоният тарихида мисли кўрилмаган тарихий воқеа ва ҳодисаларга ниҳоятда бой бўлганлиги билан ажралиб туради. Айниқса, унинг сўнгги ўн йиллиги инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди десак, муболаға бўлмайди. Аср бошида шаклланган тоталитаризм, маъмурий буйруқбозлик ва зўравонлик ғояларига таянган социализм барбод бўлди. 1980 йилларнинг охиридаги сиёсий жараёнлар ва 1991 йилда мустабид Совет тузумининг парчаланиши оқибатида мустақил давлатлар ташкил топиб, коммунистик партия сиёсий саҳнадан тушди. Тарихни англаш, билиш ва ўқитишда ҳукмронлик қилиб келган марксча-ленинча методология таназзулга юз тутди. Унинг ўрнига тамоман янгича методология қарор топа бошлади. Тарихий жараёнларни тадқиқ этишда синфийлик, партиявийлик тамойилларидан воз кечилди. Аксинча, тарихни тушуниш ва тадқиқ этиш холислик, объективлик, илмийлик, тарихийлик, миллийлик билан умумбашарийликнинг ўзаро боғлиқлиги тамойиллари асосига қуриладиган бўлди. “Махфий”, “Мутлақо махфий”, “Ўта махфий” тамғалари остидаги архив ҳужжатларининг илмий истеъмолга киритилиши натижасида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ тарихшунослигимизда янгича ёндашув, янгича концепция асосида турли йўналишларда тадқиқотлар юзага кела бошлади.

Ўзбекистонда колективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар тарихшунослигини маълум даражада таҳлил қилиб берган илмий асарлар ва мавжуд адабиётлардаги концептуал-методологик ёндашувларининг мазмунига таянган ҳолда улар қуйидаги гуруҳларга бўлинди:

1. Совет даврида чоп этилган адабиётлар.
2. Мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотлар.
3. Хорижий тадқиқотчиларнинг асарлар.

Биринчи даврнинг ўзига хос хусусияти шуки, бу даврда муаммо тарихшунослиги Совет Иттифоқидаги ижтимоий-сиёсий вазият ва коммунистик мафкура измига бўйсунганлиги боис илмий ишлар ва публицистик адабиётларда колективлаштириш жараёни турлича, айрим ҳолларда ўта зиддиятли талқин қилинган. Шундан келиб чиқиб, совет даври адабиётларини ўз ички тузилишига кўра хронологик тамойилга асосланган ҳолда тўрт босқичга бўлиш мумкин:

биринчи босқич – 1920 – 1950 йилларнинг боши,

иккинчи босқич – 1950 йилларнинг иккинчи ярми – 1960 йиллар,

учинчи босқич – 1970 – 1980 йилларнинг биринчи ярми,

тўртинчи босқич – 1980 йилларнинг иккинчи ярми – 1990 йил.

Кўрсатилган даврлардаги вақт чегараларининг қисқалиги шундан далолат берадики, тадқиқот муаммосининг айрим масалаларига қизиқиш доимо ортиб борган бўлишига қарамай, коммунистик мафкуранинг концептуал мезонлари таъсирида бўлган. Қишлоқ аҳолиси дифференциацияси, мулкий табақаланиш жараёни ва қулоқлар масаласи янги иқтисодий сиёсат (НЭП) давридаёқ муҳим ва долзарб масала сифатида кун тартибидан ўрин олган. Чунки 1920 йиллардаги асарлар қулоқларга нисбатан расмий ҳокимиятнинг муносабатида қатъий ва принципиал ёндашув бўлмаганидан гувоҳлик беради [1].

1930 йилларда араб ва лотин алифбосида (ўзбек тилида) Боку, Самарқанд ҳамда Тошкентда нашр қилинган адабиётларнинг кўпчилигини коллективлаштириш, қулоқлаштириш сиёсатини ишлаб чиққан ва унга бевосита раҳбарлик қилган компартия раҳбарлари, совет ҳукумати аъзоларининг асарлари ҳамда журналист ва тарғиботчиларнинг публицистик материаллари ташкил этган [2]. Улар партиянинг қишлоқ хўжалигидаги қатағон сиёсатини синфий кураш нуқтаи-назаридан асослашга ҳаракат қилганлар. Мазкур асарлар давр моҳиятини, партия ва совет органлари раҳбарлари дунёқарашидаги ўзгаришларни ўзида намоён этган.

Ўзбекистондаги коллективлаштириш сиёсати назариётчилари ва амалиётчиларининг ўзбек қишлоқларидаги “аграр инқилоб” ва “социалистик қури-

лиш” тажрибаларини умумлаштирувчи ва бу борада дастурий ҳужжат вазифасини бажарувчи нутқ ва мақолалардан иборат рисолаларида ўзбек қишлоғининг социалистик йўлдан ривожланиб бориши оламшумул воқеа сифатида талқин қилинган [3]. Улардаги асосий ғоя ўзбек қишлоғидаги ижтимоий қатламларни бир-бирига қайраш, синфий курашни кучайтириш мақсадига қаратилган бўлиб, колхозлаштириш ҳаракати кескин синфий курашлар билан бирга бошланди деган фикр илгари сурилади.

1940 йиллардаги илмий тадқиқотларда Совет давлатининг 1920 – 1930 йиллар солиқ сиёсатидаги синфий ёндашувга алоҳида урғу берилди [4]. Қулоқлаштириш сиёсатига икки ҳил қараш мавжуд бўлди: биринчисида у СССРдаги эксплуататорлар синфини тугатиш жараёнининг бир қисми сифатида талқин қилинса, иккинчисида “ВКП(б) тарихи “Қисқа курси” да белгилаган тамойилларга асосан коллективлаштириш сиёсатининг таркибий қисми сифатида ёритилди [5].

Совет даври тарихшунослигининг иккинчи босқичи 1950 йилларнинг иккинчи ярми 1960 йилларни ўз ичига олади. И.В.Сталиннинг вафоти ва шахсга сиғинишнинг қораланиши билан юзага келган сиёсий “илиқлик” ижтимоий–гуманитар фанларга бўлган мафкуравий сиқувларни бирмунча юмшатди. Қулоқлаштириш масаласи компартия белгилаб берган концепциянинг фундаментал асосларига тегмаган ҳолда, муайян мафкуравий чекловлар доирасида тадқиқ этила бошланди [6]. 1960 йилларда компартия ва советларнинг “қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуриш”даги ўрнини кўкларга кўтариш билан бирга, қулоқлаштириш сиёсатига илмий қизиқишлар доираси кенгайиб борди [7]. Муаммога таалуқли фактик материалларнинг ҳажми кўпайди. Мафкуравий андозалардан чиқмаган ҳолда собиқ қулоқлар тақдири, уларни “меҳнат орқали тарбиялаш” жараёни, ҳатто Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ва кўрсатган жасоратлари илмий тадқиқот доирасига тортилди [8].

Учинчи босқичда, “турғунлик йиллари” деб ном олган 1970 йилларда Н.А.Ивницкий, Н.Я.Гущин, И.Я.Трифонов, В.А.Сидоровларнинг қишлоқдаги синфий кураш ва “қулоқларни синф сифатида тугатиш” сиёсатига бағишланган тадқиқотлари эълон қилинди [9]. Таниқли аграршунос олим В.П.Даниловнинг [10] асарларида совет қишлоқларидаги ижтимоий ўзгаришлар ёритилди. Бу даврнинг диққатга молик жиҳати академик Р.Х.Аминова бошчилигида Ўзбекистондаги коллективлаштириш тарихига оид тадқиқотлар доирасининг кенгайиб борганлиги ва қулоқлаштириш масалаларига қисман бўлсада эътибор қаратилганидир [11].

1986 йилда кўп жилдлик “История советского крестьянства” асарининг 1927-1937 йилларга бағишланган 2-жилди нашрдан чиқди [12]. Бу нашр коммунистик мафкура руҳида ёзилган бўлишига қарамай, ўзида жуда катта фактик материалларни жамлаганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Тўртинчи босқич истиқлол арафасида, яъни 1980 йилларнинг иккинчи ярмида Совет жамиятида рўй берган сиёсий ва ижтимоий қарашлардаги чуқур ўзгаришлар тарих фанига жиддий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ. Совет даври тарихининг асосий мазмун-моҳияти ғоялар, синфлар курашида намоён бўлган бўлса, 1990 йилларга келиб муайян инсонга, унинг жамият тарихидаги ўрнига ҳамда жамият тарихининг шахс тақдирида қай даражада акс этишига қизиқиш кучайди. Айниқса, ўз даврида зарур даражада ечимини топмаган совет қатағон сиёсатини, хусусан, унинг таркибий қисми бўлган коллективлаштириш жараёнидаги оммавий қатағонларни ўрганишда бу яққол намоён бўлди. Қулоқлаштиришда қўлланган зўравонлик метод ва механизмларининг инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини оёқости қилганлигини, жамият ҳаётидан сунъий тарзда ажратиб қўйилган “собиқ қулоқлар”нинг сургундаги аҳволи, меҳнат посёлкаларидаги ҳаёт тарзини ўрганишга эътибор кучайди.

Масалага янгича ёндашув Ўрта Осиё ва Қозоғистонда XX асрнинг 80-йилларида бошланган. 1988 йил 28-29 ноябрда Алмати шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти вакилларидан А.Ю.Иброҳимова, М.М.Пўлатова, Д.А.Алимовалар [13] иштирок этган коллективлаштириш тарихи бўйича минтақавий конференцияда моҳиятан биринчи бор мазкур муаммони қайтадан идрок этиш сари дастлабки қадамлар қўйилган эди.

Архивлардаги совет даврига оид жуда катта ҳажмдаги манбалардан махфийлик тамғасининг олиб ташланиши муаммо бўйича бутунлай янгича ёндашувдаги тадқиқотлар олиб боришга имкон туғдирди. Мазкур манбаларга таянган ҳолда Иттифоқ миқёсидаги қулоқлаштириш тарихига бўлган қарашларни қайта кўриб чиқишни биринчилардан бўлиб В.П.Данилов [14], Н.А.Ивницкий [15], Н.Л.Рогалина [16], Е.А.Зеленин [17], Д.Волкогонов [18] Ўзбекистондаги жараёнлар бўйича Р.Х. Аминовалар [19] бошлаб бердилар.

Совет даври адабиётларнинг таҳлили шундан далолат берадики, тарихий адабиётларда бу масала ўз даври моҳиятидан келиб чиқиб, “қулоқларни синф сифатида тугатиш” сиёсатини маъқуллаш, компартия ва советларнинг социализм қуришдаги қўлга киритган катта ғалабаси сифатида талқин қилинган. Энг муҳими, Совет даврида архив мате-

риалларидан фойдаланиш имкониятлари чегараланди, 1930 йилларда большевистик мафкура асосида шаклланган “қулоқларни синф сифатида тугатиш” концепциясининг асослари то 1980 йилларнинг охирига қадар сақланиб қолди. Бу нарса ўз-ўзидан совет даври тарихчиларини муаммони мафкуравий қолиплардан чиқмасдан, унга мос урғу берган ҳолда ёритишга мажбур этди. Натижада илмий холислик тамойили бузилиб, ҳақиқий тарихий воқелик асл манбалар асосида ёритилмади.

СССР парчаланиб, мустақил давлатлар ташкил топгандан сўнг, россиялик таниқли олим В.Н.Земсковнинг Россия марказий давлат архивлари материалларига асосланган тадқиқотлари [20] “қулоқлар сургуни ва сургун қилинган деҳқон оилаларининг кейинги аҳволи масаласига бағишланди. Уларда қарийиб 30 йил давом этган сургун жараёнидаги ижтимоий-демографик ўзгаришлар, махсус кўчкиндиларнинг сони ва жойлаштирилган минтақалар, хусусан, Ўзбекистон бўйича дислокацияси ҳақидаги умумлашган маълумотлар ўрин олган. Унинг монографиясида эса 1930-йиллардаги қулоқлар сургуни, урушгача ва уруш йилларидаги мажбурий кўчириш ва махсус посёлкалар тизими, урушдан кейинги 1946-1953 йилларда сургун қилинган деҳқонлар аҳволи, собиқ қулоқларнинг махсус посёлкалардан озод қилиниши ва махсус комендатураларнинг тугатилиши масалалари катта ва кенг кўламдаги архив манбалари асосида очиб берилган.

“Қулоқлаштириш” сиёсатини амалга оширишнинг Иттифоқ миқёсидаги механизмини ёритишда Н.А.Ивницкийнинг тадқиқотлари [21] ўзига хос ўрин эгаллайди. У ВКП(б) (Сиёсий бюро, Секретариат, Ташкилий бюро ва унинг комиссиялари), ОГПУ, Ер ишлари Халқ комиссарлиги – Наркомземнинг ноёб архив материалларига асосланиб қулоқлаштириш тарихининг қатор жиҳатларини ёритиб берган. Унинг изланишларида коллективлаштириш, қулоқлаштириш, қулоқлар сургуни, махсус посёлкалар ва махсус кўчкиндиларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши, меҳнат кўчкиндиларининг қишлоқ хўжалиги, саноат ва қурилишдаги меҳнат фаолияти ва уларга тиббий-санитария хизмати кўрсатиш ва маданий-оқартув масалалари ўз ифодасини топган.

Масалага тамомила янги позициядан туриб ёндашган Н.Ф.Бугай, А.Н.Дугин, Г.М.Адибеков, В.Карпов, Ю.Козенков, В.Бердинских, П.Полян, В.Самосудов, Н.Мальцев, В.Я.Шашков каби тадқиқотчиларнинг асарларида [22] коллективлаштириш билан боғлиқ “қулоқлаштириш” ва сургундаги деҳқонлар аҳволини объектив, холисона ёритишга ҳаракат қилинган.

Шунингдек, 2010 йилда нашрдан чиққан В.Хаустов ва Л.Самуэльсонларнинг “Сталин, НКВД и репрессии 1936-1938 гг.” [23] монографик тадқиқоти ҳам масаланинг туб моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамиятга моликдир. Россия ФХХ Академияси тарих кафедраси бошлиғи, давлат ҳавфсизлик органларининг II жаҳон уруши арафасидаги тарихи муаммоси бўйича йирик мутахассис В.Хаустов ва швециялик тарихчи олим Л.Самуэльсонлар архив ҳужжатларига асосланган ҳолда совет давлатининг 1930 йилларнинг иккинчи ярмидаги қатағон сиёсатини ёритар эканлар, асосий эътиборни Сталин ва НКВД раҳбар органларининг оммавий қатағонларни тайёрлаш уни ўтказиш жараёнини таҳлил қилишга қаратганлар.

Мустақил Ўзбекистон тарихшунослигида тадқиқ этилаётган муаммони, проф. Р.Т.Шамсутдинов таъкидлаганидек, тамомила янгича методология, янгича руҳда ёритишни Ўрта Осиё ҳудудидаги аграр ўзгаришлар бўйича йирик мутахассис академик Р.Ҳ.Аминова бошлаб берди [24]. Унинг 1990-йилларда эълон қилган тадқиқотларида [25] архив ҳужжатлари асосида ўзбек қишлоқларидаги ёппасига коллективлаштириш зўравонлик билан ўтказилганлиги, “қулоқлаштириш” жараёнидаги адолатсизликлар кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон деҳқонларининг Октябрь тўнтаришидан кейинги ижтимоий ҳолатини ёритган А.А.Голованов ва И.Саидовлар [26] деҳқонларнинг ижтимоий диференциацияси ва мулкий табақалинишига совет режими аграр сиёсатининг таъсири ва унинг салбий оқибатларини кўрсатиб ўтганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, 1990-йилларнинг охирига қадар коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар муаммосининг айрим қирралари фақат аграр тарихчиларнинг асарларида у ёки бу даражада ўз аксини топди.

“Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида” асарининг 2-китобининг [27] нашр қилиниши коллективлаштириш сиёсатига янгича методологик қарашларни ифодалаб, Ўзбекистонда коллективлаштириш мажбурий ўтказилганлиги ва унинг салбий оқибатларини кўрсатиб берди. Шунингдек, ўрта мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари учун чиқарилган дарслик ва қўлланмаларда мазкур мавзу бўйича янгича қарашлар ўз ифодасини топди [28].

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорлари асосида Республика “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси ва “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси олимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архиви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг идоравий архив материалларидан фойдаланишлари учун имконият яратилди. Натижада

проф.Р.Т.Шамсутдиновнинг янги концептуал-методологик тамойилларга асосланиб ёзилган коллективлаштириш, “қулоқлаштириш” ва сургун тарихига бағишланган йирик монографик тадқиқотлари ва илмий мақолалари эълон қилинди [29]. Уларда масаланинг бир қанча аспектлари биринчи бор нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё минтақаси қамраб олинган ҳолда таҳлил қилинган. Мазкур тадқиқотларда ватанимиз ва хориждаги мавзуга доир асарлар, ноёб архив ҳужжатлари илмий истеъмолга киритилди. Коллективлаштириш, “қулоқлаштириш” ва сургун жараёнининг мазмун-моҳияти, унинг комфирқа ва мухолифат томонидан талқини, “қулоқлар сургуни”нинг босқичлари ва мажбурий кўчириш жараёнидаги ОГПУнинг роли Ўзбекистон тарихшунослигида биринчи маротаба янги архив маълумотлари асосида таҳлил қилинди. Ўзбекистонлик деҳқон оилаларининг сургуни асосан Украина, Шимолий Кавказ ҳамда Шимолий Қозоғистон йўналиши бўйича амалга оширилганлиги асослаб берилди. “Қулоқлар сургуни”дагиларнинг мислсиз оғир турмуш аҳволи, яшаш шароити, қайта қатағон қилинишини биринчи бўлиб ёритди. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ва ҳалок бўлган юртдошларнинг номма-ном аниқланиши эса тадқиқотларнинг амалий аҳамиятини кучайтирди.

Муаммо тарихшунослигининг айрим қирралари Д.Алимова ва Р.Шамсутдиновларнинг қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш тарихини ўрганиш ва тарихшунослиги муаммоларига доир мақоласида [30] зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва деҳқонларнинг оммавий чиқишлари, қулоқлаштириш, деҳқон оилаларининг депортация қилиниши, Ўрта Осиё, Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистондаги меҳнат посёлкалари, сургун қилинганларнинг тақдири, “қулоқлар”нинг такроран қатағон қилиниши, Иккинчи жаҳон урушида меҳнат кўчкиндиларининг иштироки, “қулоқлар”ни озод қилиниши мавзуларининг ўрганилиш ҳолати ва бундан кейин тадқиқ қилинадиган масалалар кўрсатиб берилган.

2006 йилда нашр қилинган “Тарихнинг ҳасратли саҳифалари” [31] китоби ва 2007 йилда чоп этилган “Ватанимиз ўтмишидан” [32] тўпламидаги мақолалар ҳам мавзу тарихшунослигида муҳим ўрин тутади. Уларда Украина, Шимолий Кавказ сургуни билан бир қаторда Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган юртдошлар тақдири, қатағон қилинган мулкдорлар фожиаси, такрорий қатағон масалалари, муҳожирликка чиқиб кетганлар, Бутово қабристонига дафн этилган қатағон қурбонларининг қисматига оид янги материаллар илмий истеъмолга киритилган ва янгича талқинларда ўз ифодасини топган.

Проф. Р.Шамсутдинов “Катта террор айбдорлари ҳақида янгича талқинлар” китобида [33] 1937-1938 йиллардаги оммавий қатағонларда энг кўп собиқ қулоқлар жабрланганлигига эътиборни қаратиб, бу мудҳиш фожиаларда И.В.Сталин билан бир қаторда мухолифат вакиллари ва маҳаллий партия-совет органлари раҳбарларининг ҳам айблари бор деган фикрни қайд этган.

Мавзуга оид республиканинг қатор илмий журналларида эълон қилинган илмий мақолаларда [34], муаллифлар томонидан Ўзбекистондаги коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун масалаларининг айрим жиҳатлари илмий асосда янгича талқин этилган.

Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатағон сиёсати тарихини ўрганиш асосида ёзилган диссертацияларда [35] Тошкент ва Фарғона вилоятлари мисолида ёппасига коллективлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини ёритишга ҳаракат қилинган, Ўзбекистон қишлоқларидаги деҳқон оилаларининг Украинага сургуни, Шимолий Кавказга сургун қилинган юртдошларимиз қисмати, Қозоғистонга сургун қилинганларнинг ҳаёти ва тақдири, Ўзбекистондаги меҳнат посёлкалари фаолияти бўйича қимматли материалларни илмий истемолга киритган бўлиб, муаммони назарий жиҳатдан комплекс ўрганишга илмий асос яратдилар.

Мазкур муаммо хорижий тадқиқотчиларнинг ҳам доимий диққат марказида бўлиб, масаланинг турли жиҳатларини ёритишда ўз ҳиссаларини қўшганлар. XX асрнинг 50-80-йилларида хорижда эълон қилинган асарларда [36] Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистон қишлоқларида совет ҳокимияти томонидан ўтказилган ёппасига коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун масаллари қизғин муҳокама қилинган. Уларнинг хулосалари аксарият ҳолларда совет тарихчиларининг фикрларидан фарқ қилган ҳолда, ёппасига коллективлаштириш жараёнини кескин танқид остига олганлар.

Хорижий тадқиқотчилардан Франк Адольф Эккер ўзбек деҳқонлари якка хўжаликни афзал кўришини, чунки "астойдил парвариш қилинган ер участкасидан маҳрум бўлишдан манфаатдор эмас"лиги сабабли коллективлаштириш тарафдори бўлмаганлигини таъкидлайди [37]. В.Кульски эса коллективлаштириш "даҳшатли, деспотик тарзда бирлаштиришнинг ўзи" бўлиб, миллионлаб деҳқонларнинг жиддий қаршилиги остида кечганлиги ва бу норозилик чорва молларини колхозга топширмаслик учун кўплаб қириб ташлаганлигида ифодаланганлиги билан изоҳлайди. Шунингдек, совет давлатининг "қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсати" жараёнида "қулоқ" атамаси коллективлаштиришга қаршилик кўрсатган ҳар қандай деҳқонга тадбиқ

қилинган деган фикрни билдиради [38]. Гофрей Уиллер эса совет ҳокимияти ўзбек қишлоқларидаги бойларни синф сифатида тугатиш жараёнида кўпчилиги отиб ташлангани ёки сургун қилинганига таяниб, уларни "коллективлаштириш қурбонлари" деб атайди [39].

Италиялик тадқиқотчи Дж.Боффа [40], франциялик олим Н.Верт [41] ва яна бир хорижлик тадқиқотчи Г.Алексопоулос совет давлати раҳбарлари қулоқлар ва "ҳақсизлар" мавжуд тузум учун аҳоли қатламлари ичида энг хавфли тоифа сифатида қараганликларига алоҳида эътибор қаратиб, 1935 йилнинг 28 февралидан 27 мартига қадар чегара ҳудудларни "тозалаш" чоғида барча қатағон қилинганларнинг 70 фоизидан ортиғини қулоқлар ва "ҳақсизлар" ташкил этганлигини кўрсатиб ўтган [42].

Хулоса шуки, совет даврида нашр этилган асарларда муаммо коммунистик мафкура руҳида, марксча-ленинча концепция мезон ва ўлчовлари асосида, архив материалларидан фойдаланиш чегараланган шароитда бирёқлама ёритилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихшунослигида совет давридаги коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун тарихининг муайян қирралари ўрганилган ва катта ҳажмдаги архив материаллари илмий истеъмолга киритилган. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонларнинг кейинги аҳволини ҳар тарафлама, холисона ўрганиш, миллий ғоя руҳида ҳаққоний талқин қилиш учун зарурий илмий аппарат яратилди дейишга тўла асос бор. Энг асосийси, ушбу катта илмий-амалий, маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлган мавзуни ўрганиш, илмий жиҳатдан таҳлил қилиш мустабид тузумнинг қатағон сиёсати тарихшунослигини ривожлантириш нуқтаи назаридан ғоят долзарбдир. Бу эса Ўзбекистонда колективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонларни комплекс тарзда янги методология синергетик тамойиллар асосида таҳлил қилишни тақозо этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Деревня при НЭПе. Кого считать кулаком, кого – тружеником. Что говорят об этом крестьяне? – М, 1924; Большаков А.М. Деревня.1917 – 1927 – М.,1927; Ангаров А.Классовая борьба в советской деревне.– М,1929.

2. Сталин И.В. Буюк бурилиш йили. Лотин алифбоси. - Самарқанд-Баку.: Ўздавнашр, 1930. - 32 б.; Сталин И. Ютуқлар ҳовлиқтирмасин. Араб алифбоси.– Самарқанд.:Ўздавнашр, 1930.- 17 б; Колхоз тузилишида фирқа йўлини бузишларга қарши (Ўртоқ Сталиннинг «Колхозчиларга жавоб» мақоласи ва бошқ.). Мақола ва материаллар тўплами. Араб алифбоси. - Т.:Ўздавнашр, 1930. - 52 б.; Орджоникидзе С. Фирқанинг бош йўли ҳам ўнг оғмачилик. (1928 йил 18 сент.да бўлган 1 Москва обл. фирқа конф. нутқи.). Лотин алифбоси.- Тошкент-Баку:Ўздавнашр, 1930.- 22 б.; Калинин М.И., Енукидзе А.Е. Ёппасига коллективлаштириш ва Шўроларнинг вазифалари. Лотин алифбоси.- Тошкент-Баку: Ўздавнашр, 1931. – 48 б.; Яковлев Я. Колхоз қурилиши тўғрисида. Лотин алифбоси. - Т.: Ўздавнашр, 1931. - 47 б.; Леонов Ф. Муштумзўрларни тугатиш йўлида (ВКП(б) Москва кўмитаси ҳам Москва ККнинг январь Пленумида қилган маърузаси). Лотин алифбоси. - Тошкент-Баку: Ўздавнашр, 1931. - 51 б.; Охунбобоев Й. Беш йиллик тажриба ва олтинчи йилга қадам. Лотин алифбоси.- Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1930. - 42 б.; Берегин К. Хоразм округида меҳнатсиз хўжаликларни тугатиш якунлари. Лотин алифбоси.- Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр,1930.- 64 б.; Михайлов М. Колхозларни маҳкамлангиз. Лотин алифбоси. - Самарқанд-Тошкент: Ўзбек бирлашув нашри, 1930.- 20 б.; Куйбишев В.В. Кимки биз билан бирга бўлмаса, у бизга қаршидир. Лотин алифбоси. - Т.: Ўздавнашр, 1931.- 32 б.; Муштумзўр хўжаликлардаги батрак ва батрачкаларни қонун қандай ҳимоя қилади. Лотин алифбоси. - Т.: Давлат меҳнат нашриёти Ўрта Осиё шуъбаси, 1930. - 62 б.; Ўз ҳуқуқларини сақлаш учун батрак нималарни билиши керак. Лотин алифбоси. - Т.:Давлат меҳнат нашриётининг Ўрта Осиё шуъбаси, 1930. - 61 б.; Мокеев В. Батрак ҳам камбағаллар бойларнинг эксплуатациясига қарши қандай курашуви керак. Лотин алифбоси. - Тошкент-Баку: Ўздавнашр, 1931. - 31 б.; Криленко Н. Заракунандалик йўли билан синфий кураш. Лотин алифбоси. - Т.: Ўздавнашр, 1931. -71 б.; Розенталь К. Зараркунандачилар қандай қилиб кризис тайёрладилар. Лотин алифбоси. - Т.: Ўздавнашр, 1931. -24 б.; Леман Н. Покровский С. Ўнг оғмачиликнинг мафкуравий манбалари. Лотин алифбоси. - Тошкент-Баку: Ўздавнашр, 1931. - 76 б.; Литвиненко П. Раскин Г. Унжаков С. Қишлоқда колхоз ҳаракати ва синфий кураш. Лотин алифбоси . Тошкент-Баку: Ўздавнашр, 1930. - 47 б.

3. Зелькина Е. Очерк по аграрному вопросу в Средней Азии.– М.,1930; И.Бенедиктов. Колхозное строительство в Узбекистане.– М.,1930; А.Анишев. Пути социалистического переустройства хлопководческого хозяйства.– М.,1930; С.Архангелский. Основные черты колхозного строительства в Средней Азии.- Москва-Ташкент, 1930; А.Иткин. Социально-экономические предпосылки коллективизации хлопководства в Средней Азии.– Т., 1933; Житов К., Непомнин В. От колониального рабства к социализму. – Т.,1939; Иткин А. Социально-экономические предпосылки коллективизации хлопководства в Средней Азии.- Т., УзССР, 1932; Ўша муаллиф. Хлопководческая кооперация на фронте социалистической реконструкции хлопководства. –Т., 1935.

4. Залесский М.Я. Налоговая политика советского государства.– М., 1940.

5. Глазерман Г.Е. Ликвидация эксплуататорских классов и преодоление классовых различий в СССР. – М.,1949; Джамалов О.Б. Социально – экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяй-

ства в Узбекистане. - Т.: Госиздат УзССР, 1950; Абрамов Б.А. Ликвидация кулачества как класса на основе сплошной коллективизации сельского хозяйства.//Исторические записки. – М., 1951. – т.38; Ўша муаллиф. Партия большевиков – организатор борьбы за ликвидацию кулачества как класса. – М.:1952.

[1] Данилов В.П. Социально – экономические отношения в советской деревне накануне коллективизации. // Исторические записки. – 1956. – т. 55; Ўша муаллиф. Создание материально – технических предпосылок коллективизации сельского хозяйства. М.,1957. Трапезников С.П. Исторический опыт КПСС в социалистическом преобразовании сельского хозяйства. – М.: Мысль, 1959; Сайдалиев С.С. Борьба за осуществление ленинского кооперативного плана в Узбекистане. – Т.: Госиздат УзССР, 1958.

6. Данилов В.П. Социально – экономические отношения в советской деревне накануне коллективизации. // Исторические записки. – 1956. – т. 55; Ўша муаллиф. Создание материально – технических предпосылок коллективизации сельского хозяйства. М.,1957. Трапезников С.П. Исторический опыт КПСС в социалистическом преобразовании сельского хозяйства. – М.: Мысль, 1959; Сайдалиев С.С. Борьба за осуществление ленинского кооперативного плана в Узбекистане. – Т.: Госиздат УзССР, 1958.

7. Непомнин В.Я. Исторический опыт строительства социализма в Узбекистане (1917 – 1937). – Т.:Госиздат УзССР, 1960; Нуритов А. К вопросу о характере и формах классовой борьбы в узбекском кишлаке (1932 – 1934 гг.).//Научны труды ТашГУ, Вып. 207, 1962.; Селунская В.М. Борьба КПСС за социалистическое преобразование сельского хозяйства. – М.: Высшая школа, 1961; Тулепбаев Б.А. Осуществление ленинской аграрной политики партии в республиках Средней Азии.– М.:Мысль,1967; Ибрагимова А.Ю. Победа ленинского кооперативного плана в Узбекистане. – Т.:Фан, 1969.

8. Финаров А.П. К вопросу о ликвидации кулачества как класса и о судьбе бывщих кулаков в СССР. – В кн.: История советского крестьянства и колхозного строительства в СССР. – М.:Госполитиздат, 1963

9. Ивницкий Н.А. Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса (1929 – 1932 гг.). – М.:Наука, 1972; Гущин Н.Я. Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса в сибирской деревне (1926 – 1933 гг.). – Новосибирск, 1972; Трифонов И.Я. Ликвидация эксплуататорских классов в СССР. – М.:1975

10. Данилов В.П. Советская доколхозная деревня: социальная структура, социальнқе отношения. – М.:Наука, 1979; Изменения социальной структуры советского общества. 1921 – середина 1930 –х годов. – М.,1979

11. Аминова Р.Х. Осуществление коллективизации в Узбекистане (1929 – 1932 гг.). –Т.:Фан, 1974; Ўша муаллиф. Победа колхозного строя в Узбекистане. – Т.:Фан, 1981: Алимов И.А. Узбекское дехканство на пути к социализму (социально – экономические преобразование в узбекском кишлаке в 1921 – 1925 гг.) – Т.:Узбекистан, 1974

12. История советского крестьянства. – В 5 т.: Т. 2. Советское крестяньство в период социалистической реконструкции народного хозяйства. 1927 – 1937 гг. – М.: 1986

13. Ибрагимова А.Ю. Коллективизация сельского хозяйства Узбекистана: проблемы и суждения;/ Пулатова М.М. Белое пятно в истории коллективизации Узбекистана;/ Алимова Д.А. Коллективизация и женский вопрос в республиках Средней Азии: к историографии проблемы.//Коллективизация сельского хозяйства в республиках Средней Азии и Казахстана: опыт и проблемы. - Алма-Ата.: Гылим, 1990

14. Данилов В.П. Коллективизация: Как это было? // Страницы истории советского общества. – М.,1989. Ўша муаллиф: Коллективизация: В кн. Переписка на исторические темы. Диалог ведет читатель.- М.:Политиздат, 1989. – С/355-400

15. Данилов В.П., Ивницкий Н.А. О деревне накануне и в ходе сплошной коллективизации. //Документы свидетельствуют: Из истории деревни накануне и в ходе коллективизации. 1927 – 1932 гг. – М.:1989

16. Рогалина Н.Л.Коллективизация: уроки пройденного пути. – М., 1989

17. Зеленин И.Е.Осуществление политики «ликвидации кулачества как класса». //История СССР.-1990. - № 6 - с.31-47

18. Волкогонов Д. Триумф и трагедия. Политические портрет И.В.Сталин. В 2 –х книгах. -М.: АПН, 1989

19. Аминова Р.Х. Коллективизация в Узбекистане: как это было? //Коммунист Узбекистана. – 1989, № 9

20. Земсков В.Н.Спецереселенцы. // СОЦИС. – 1990. - № 11; Он же. Кулацкая ссылка в 30-е годы.// СОЦИС.-1991. - № 10; Он же. Судьба кулацкой ссылки (1930-1954 гг.). // Отечественная история. – 1994. -№ 1; Он же. Спецпоселенцы в СССР, 1930-1960. -М.: Наука, 2003. -306 с.

21. Ивницкий Н.А. Коллективизация и раскулачивание (начало 30-х годов). - М.:1994; Он же. Репрессивная политика советской власти в деревне (1928-1933 гг.) - М.:2000; Он же. Судьба раскулаченных в СССР. - М.:Собрание, 2004. -296 с.

22. Бугай Н.Ф. Погружены в эшелоны и отправлены к местам поселений. // История СССР. – 1994, № 1; Он же. Депортация. // Политический собеседник. – Минск, 1990. № 6; Дугин А.Н. Спецпоселение. // Полиция и милиция России. – М., 1993: Карпов В. Генералиссимус Книга первая М., 2003. Козенков Ю. Голгофа России. Схватка за власть. Краткая хроника преступлений мирового сионизма, масонства и Запада против России от Сталина до Ельцина. - М.,2003; Бердинских В. Спецпоселенцы. Политическая ссылка народов Советской России. М. 2005. Полян П. Не по своей воле… История и география принудительных миграций в СССР. О.Г.И- Мемориал. М., 2001. Самосудов В.М. Современная отечественная историография коллективизации (1980е середина 90-х годов). Омск, 1998. Мальцева Н.А. Очерки истории коллективизации на Ставрополе. Санкт-Петербург, 2000;Шаш-

ков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенце 1930 – 1954 гг. Дисс. на соискание уч. степ. д.и.н. – М., 1995.

23. Хаустов В., Самуэльсон Л. Сталин, НКВД и репрессии 1936-1937 гг. –М.: РОССПЭН; Фонд Первого Президента России Б.Н.Елцина, 2010. - 432 с

24. Шамсутдинов Рустамбек. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.:Шарқ, 2001. – Б.12.

25. Аминова Р.Х. Коллективлаштириш - қашшоқлаштириш демак. //"Шарқ Юлдузи".- Тошкент,1992. - № 12. - Б.183-188.; Ўша муаллиф. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Тошкент:Фан, 1995

26. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917 – 1937. – Тошкент:Фан, 1995; Голованов А.А. Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX –первой трети XX вв. - Самарканд, 2007

27. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2- китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. - Т.: Шарқ, 2000.- 687 б.

28. Алимова Д. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917- 1991йй.) 10- синф учун дарслик. – Т.: Шарқ, 2000.-415 б.; Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917- 1924йй.) Ўқув қўлланмаси. – Т.: Университет, 2002. - 168 б.; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (Учинчи китоб). Андижон, 2004.-651 б.

29. Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. Т.:Шарқ,200; Ўша муаллиф.Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида).-Т.:Шарқ,2003; Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати (А.Мамажонов билан ҳаммуаллифликда).Т.:Шарқ,2005; Ўша муаллиф. Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. Ў.Убайдуллаев, Б.Расулов, М.Акбарова, А.Мамажонов ва бошқ).- Т.:Шарқ, 2006

30. Алимова Д., Шамсутдинов Р. К изучению проблемы историографии и истории коллективизации сельского хозяйства. // O'zbekiston tarixi. Histori of Uzbekistan. – Tashkent. 2007, - C. 24-35

31. Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. –Т.: ИПАК Шарқ, 2006

32. Ватанимиз ўтмишидан. –Андижон: Андижон, 2007

33. Шамсутдинов Р. Катта террор айбдорлари ҳақида янгича талқинлар. Андижон:АндДУ, 2007

34. Ниёзова Ф. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини колективлаштиришнинг салбий оқибатлари // Ўзбекистон тарихи, 1999. – № 4. – Б. 39-44; Худоёров Н.М. "Савай" меҳнат посёлкасидаги қулоқлар.//Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2003. -№ 3; Ўша муаллиф. Норин меҳнат посёлкасидаги "қулоқларни" турмуш тарзи.// Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар; Халқаро илмий конференция материаллари. Т.: ЎзМУ, 2005; Ражабов Қ. Истиқлол шаҳидлари ҳақида икки китоб (тақриз) // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2003. – №2. – Б. 177-180; Ўша муаллиф. Туркистон мустабид совет давлати таркибида (1925-1991йй) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. – Тошкент.: ЎзМЭ давлат нашриёти, 2006. – Б. 171-178; Ўша муаллиф. Раззоқ бобо ерлари. – Тошкент: Zarqalam, 2006; Ражабов Қ., Ражабов Д. Селдай келган офат (давр фожеаси ҳужжатлар нигоҳида) // Муҳофаза. – Тошкент, 2007. – №1. – Б. 28-32; Ражабов Қ., Ражабов Д. Полвонлар сулоласи қисмати // Бухоро мавжлари, 2008. – №1. – Б. 40-43; Ражабов Қ., Эргашев О. Бухоро воҳасида яшовчи бойлар ва уламоларнинг қатағон қилиниши // БухДУ илмий ахбороти. – Бухоро, 2008. – №3. – Б. 13-18; Ражабов Қ. Қатағон қурбонлари ҳақида тўрт китоб (тақриз) // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2008. – №12. – Б. 184-188; Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган ўзбеклар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2006. – №2. –Б. 176-179; Юсупов Э. Ценное издание о трагических страницах истории коллективизации в Средней Азии. // O'zbekiston tarixi.– Тошкент, 2007.– №3.– С. 77-79; Шамсутдинов Р., Дўсматов Э. Қатағон қилинган самарқандликлар // АДУ Илмий хабарнома. –Андижон, 2008. – № 1-2. – Б. 42-46; Хайитов Ш. "Қулоқ" қилинганлар фожеаси // Бухоро мавжлари. – Бухоро, 2006. – №6. – Б. 40-42; Ўша муаллиф. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жавраёнида ўзбек муҳожирлигининг вужудга келиши // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2008. – №1. – Б. 43-55; Шамсутдинов Р., Тожимирзаев Э. "Қулоқлар операцияси" қурбонлари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2009. – №2. – Б. 41-45; Шамсутдинов Р., Юсупов Э. "Миллий контингентлар" – оммавий қатағон қурбонлари // АДУ Илмий хабарнома. – Андижон, 2009. – №4. – Б. 58-62; Абдуллаев М. Қулоқлар сургуни ва махсус посёлкалар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – №1. – Б. 96-98

35. Назаров О.Р. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини оммавий коллективлаштиришнинг ўтказилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари (1929-1937 йй.) (Тошкент ва Фарғона вилоятлари мисолида): Тарих фан. ном. дисс.... – Тошкент: ЎзМУ, 2001. – 148 б; Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг "қулоқ" қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1929-1945 йиллар): Тарих фан. ном. дисс.... автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2002. – 32 б; Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар: Тарих фан. ном. дис.... автореф. – Андижон: АДУ, 2005. – 28 б; Тойиров А. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати (Самарқанд вилояти мисолида, 1918-1938 йй.): Тарих фан. ном. дисс.... – Тошкент: ЎзМУ, 2007. – 120 б; Акбарова М.Л. Жизнь и судьба кулаков, высланных из Средней Азии в Казахстан. Автореф. дисс..канд. ист.наук. Ташкент, 2010

36. Ecker, Frank Adolph. Transition in Asia: Uzbekistan under the Soviets. Thesis, Michigan, 1954; Kulski W.W. The Soviet Regime: Communism in Practice. Pp. xiv, 807. - N. Y.: Syracuse University Press, 1954; Nacou D. Du kolkhoze au sovkhoze. - Paris. 1958; Charles Bouvler. La Collectivisation de l'Agriculture: URSS., Chine et. Democraties

Populaires. - Paris: Librairie Armand Colin, 1958.- 246 pp; Geoffrey Wheeler. The Peoples of Soviet Central Asia: A Background Book. London: Bodley Head, 1966; Lewin M. Russian Peasants and Soviet Power: A Study of Collectivization / tr. I. Nove. - New York, 1975; Davies R. W. The Socialist Offensive: The Collectivization of Soviet Agriculture, 1929-1930. - Cambridge, Mass., 1980. Vol. 1; Atkinson D. The End of the Russian Land Commune, 1905-1930. - Stanford, 1983; Shanin T. Russia as a «Developing Society» // The Roots of Otherness: Russia's Turn of Century. - New Haven, 1985. Vol. 1; Lewin M. The Making of the Soviet System: Essays in the Social History of Interwar Russia. - New York, 1985

37. Қаранг: Аминова Р.Х. Ўзбекистонда совет хокимиятининг аграр сиёсати ва уни сохталаштирувчилар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1972. - 68 б.

38. Ўша асар, - 87 б; Kulski W.W. The Soviet Regime: Communism in Practice. – p. 340

39. Geoffrey Wheeler. The Peoples of Soviet Central Asia. - p.72

40. Boffa Giuseppe/ Storia dell'' Unione sovietica. Dalla rivoluzione alla seconda Guerra modiale Lenin e Stalin 1917-1941. – Milano: Arnoldo Mondadori Editori? 1976; Унинг ўзи: Боффа Дж. История Советского Союза. От революции до второй мировой войнқ Ленин и Сталин. 1917-1941. В двух томах. – Москва: Международные отношения, 1990. – 630 с.

41. Werth N. Histoire de l'Union sovietique/ De l'Empire russe' a l' l'Union sovietique 1900 – 1991. – Presses Universitares de France, 1991; Он же Верт Н. История советского государства 1900-1991. / Пер с фр. – 2-е изд. – М.: ИНФРА-М: Изд. "Весь Мир", 2003. – 544 с.

42. Alexopoulos G. Stalin's Outcasts. Pliens, Citizens and the Soviet State, 1926-1936. - London, 2003. В кн: Хаустов В., Самуэльсон Л. Сталин, НКВД и репрессии 1936-1937 гг. – М.: РОССПЭН; Фонд первого президента России Б.Н.Елцина.- 2010. - 64 с.

Андижон давлат университети
2011 йил 13 июнда қабул қилинган